Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Жаркургон пахта тозалаш» АЖ рахбариятига

Мен (биз),Фарғона шахри С.Темур кўчаси, 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили himoyaaudit@gmail.com, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 30 январда берилган №00467-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2007 йил 17 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган,СТИР 204107363, банк хисоб рақами 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фарғона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «HIMOYA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудиторлари Мажидов Нуридин Абдурашитович (Аудитор малака сертификати №05494 09.06.2017 йилда берилган) ва Маматов Хошимхўжа Хомидхўжаевич (Аудитор малака сертификати №05158 12.10.2013 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект **«Жаркургон пахта тозалаш» АЖ**нинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2017 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«Жаркургон пахта тозалаш» АЖ**нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **«Жаркургон пахта тозалаш» АЖ**нинг 31 декабрь 2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «HIMOYA-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Мажидов Н.**

Аудитор: **Маматов Х.Х.**

21 апрель 2018 йил